

Фарғона вилояти Бағдод туманида “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари доирасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан БРИФИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-117-сонли Қарорига асосан

Бағдод туманида 2023 йил давомида “Фуқаролар ташаббусли жамғармаси”га **44 688 млн** маблағ ўтказилган бўлиб, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун **43 299 млн** маблағ йўналтирилган, Шундан тадбирларни амалга ошириш учун **38 140 млн.** сўм маблағ тўлаб берилган.

“Ташаббусли бюджет” доирасида ажратилган маблағларни **16 588 млн.** сўми маҳаллий кўчаларни асфалтлаш ишларига, **7 368 млн.** сўми умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жихозлашга, **3 394 млн** сўми соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жихозлашга, **219 млн** сўми ичимлик суви таъминотини яхшилашга, **6 551 млн.** сўми бошқа ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ва жихозлашга, **4 019 млн.** сўми бошқа тадбирни амалга ошириш учун молиялаштирилди.

2023 йил биринчи мавсум доирасида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида Бағдод туманида **6 та** қиймати **7 100,0 млн.сўм** бўлган таклифлар энг кўп овоз тўплаган ҳолда ғолиб деб топилган.

Шунингдек, ПҚ-117-сонли қарорга асосан **25 та** 2000 ортиқ овоз тўплаб лекин ғолиб бўлмаган таклифларга қўшимча равишда **29 675,0 млн.сўм** маблағлар ажратилди.

Жами **31 та 36 775,0 млн.сўмлик** таклифларга маблағлар ажратилди.

Шундан,

-Қурилиш-таъмирлаш бўйича **26 та** таклифларга **30 875,0 млн.сўм;**

-Жиҳоз харид қилиш бўйича **5 та** таклифларга **5 900,7 млн.сўм.**

Пудратчилар томонидан 5 та лойиҳа бўйича махсулотлар тўлиқ етказиб берилган. Бугунги кунда қурилиш-таъмирлаш лойиҳалардан **24 тасида** қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиб фойдаланишга қабул қилинган бўлса, **2 та лойиҳада** фойдаланишга қабул қилиш жараёнлари кетмоқда,

Хусусан, Тумандаги 3-сонли умумий ўрта таълим мактабининг жихозлаш, Чексарой МФЙ худудига 1000 дона апора (сталба)лар сотиб олиш, туман марказидаги 20 дона зах сув қочириш дренажларига янги 20 дона сув насоси ҳамда 20 та трансформаторлар сотиб олиш, туман ёшлари учун “IT-markaz”, ёшлар кутубхонаси ва касб хунар маркази ҳамда чет тиллари ўқитиш маркази учун моддий техник база сотиб олиш, 36-умумий ўрта таълим мактабини жихозлаш лойиҳалари бўйича махсулотлар тўлиқ сотиб олинди.

Шунингдек, Матқулбод МФЙ, Самарканд МФЙ, Ирғоли МФЙга карашли Дорилбулок маҳалласи, Ултарма МФЙ Жар қишлоғи, Ултарма МФЙ Ултарма қишлоғи, Қорақчитол МФЙ, Қашқаримакай МФЙ, Наврўз МФЙ, Ирғоли МФЙ Ирғоли қишлоғи, Хитой МФЙ, Бордон МФЙ, Янгиобод МФЙ кўчалари 2023 йил 1- мавсумида “Ташаббусли бюджет” доирасида жами **16 588 млн. сўмлик** асфалтлаш ишлари амалга оширилди.

Худди шунингдек, Бағдод тумани 53- сонли умумтаълим мактаби, 27-сонли умумтаълим мактаби, 6-сонли умумий ўрта таълим мактаби, 40-сонли умумтаълим мактаби, Хазиний оилавий шифокорлик пункти, Қахат МФЙ худудига қишлоқ врачлик пункти, Қўғоли МФЙ биноси, Қўғоли МФЙга қарашли Болғоли қишлоғида маҳалла гузари, Ахборот кутубхона биноси, тумани марказида "Yoshlar markazi" биноси, тиббиёт бирлашмасига қарашли КТМП биносида қурилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди,

Обод юрт МФЙнинг Истиқлол, Тинчлик, Навбахор, Мустақиллик кўчаларидаги, Қоровултепа МФЙ худудига Кўхинур, Саховатгўй, Китоб, Абдулла Авлоний, Фирдавс, Хазина, Қизғалдоқ, Гавҳар, Бешкапа кўчаларидаги, Амиробод МФЙ Кўркама, Обод, Озодлик, Сафо, Тинчлик кўчаларидаги манавий эскирган электр тармоқлари янгиси билан алмаштирилди,

2023 йил 2-мавсум доирасида ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнида Бағдод туманида қиймати **6 496,0 млн сўм** бўлган **5 та** лойиҳалар ғолиб деб топилган. Бугунги кун ҳолатига мазкур лойиҳалардан 3 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказиб фойдаланишга қабул қилинди.

Хусусан: Бағдод тумани Матқулбод МФЙ ҳудудидаги ички кўчаларини 4000 метр қисмини асфальтлаштириш, Чексарой МФЙнинг ички йўллари асфальтлаштириш, Чекхитой МФЙда жойлашган Қўштол кўчасининг 800 метрига, Учариқ кўчасининг 800 метрига, Чаман кўчасининг 800 метрига, Қўшқайрағоч кўчасининг 800 метрига ва Хазиний кўчасининг 800 метрига асфалт қопламасини ётқизиш лойиҳалари якунига етказиб фойдаланишга қабул қилинган бўлса, Бағдод тумани 15-умумтаълим мактабининг капитал-таъмирлаш ишлари қиш мавсуми бўлишига қарамасдан жадаллик билан олиб борилмоқда, шунингдек, Бағдод тумани Жар қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун янги қудуқ қазиш, 2 дона сув минораси, 160 КВА элекр трансформатор, 2 дона сув насос, 3500 метр сув тармоғи қуриш лойиҳаси бўйича ҳозирда смета ҳужжатлари таёрланмоқда.

Бағдод тумани Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи Ж.Садриддинов
2024-01-26 17:51:14